

6. Browne, Mark J. and Hoyt, Robert E. "The Demand for Flood Insurance: Empirical Evidence", Journal of Risk and Uncertainty, Vol. 20, No. 3, pp. 291-306. 2000.
7. Insley, Jill. "The Pool That's Vital to Flood-risk Homes", The Observer, September 29. 2002.
8. Schwarze, Reimund and Gert G. Wagner. "In the Aftermath of Dresden – New Directions in German Flood Insurance", Geneva Papers of Risk and Insurance, Vol. 29, pp. 154-169. 2004.
9. Feldstein, Martin. "Rethinking Social Insurance", NBER Working Paper Series, NBER Working Paper No. 11250. 2005.
10. Chen, Yueyun "Public Goods in a Market Economy: the Case Study of China", Journal of American Academy of Business, Vol. 15, No. 2, pp. 137-144. 2010.
11. Kerr, D.A., Y-L. Ma, and J-T. Schmit. "A Cross-National Study of Governance Social Insurance as an Alternative to Tort Liability Compensation", Journal of Risk and Insurance, Vol. 76, No. 2, pp. 367-384. 2009.
12. Peden, M., Scurfield, and others. World report on road traffic injury prevention: World Health Organization. 2004.

УДК 334

Навруз-Зода Бахтиёр Негматович**Бухоро давлат университети профессори, и.ф.д.**

“KPI” ВОСИТАСИДА ИНСОННИНГ ИҚТИСОДИЙ КОМИЛЛИККА ЭРИШГАНЛИК ДАРАЖАСИНИ БАҲОЛАШ МЕХАНИЗМИ

Аннотация: Мақолада “инсоннинг иқтисодий камолоти” тушунчасига тавсиф берилган. “Инсоннинг иқтисодий комилликка эришганлик даражаси мультипликатори” нинг ҳисоб-китобини бешта босқичларда амалга ошириш алгоритми тавсия этилган. Инсоннинг иқтисодий комилликка эришганлик даражасини KPI воситасидан фойдаланилган ҳолда баҳолашнинг “муҳим маҳорат индикаторлари” ишлаб чиқилган. Бу баҳолаш индикаторлари асосида Ўзбекистон Республикаси Бухоро вилоятидаги 500 та иш билан банд бўлган кишиларнинг реал эришилган иқтисодий маҳоратини муаллифлик усулида баҳолаш асосида тўрта: “иқтисодий маҳоратли инсон”, “иқтисодий етук инсон”, “иқтисодий салоҳиятли инсон” ва “иқтисодий маҳоратсиз инсон” сифат даражалари аниқланган.

Калит сўзлари: иқтисодий комил инсон, меҳнат қобилияти, тадбиркорлик қобилияти, иқтисодий маҳорат, иқтисодий маҳоратли инсон, муҳим маҳорат индикаторлари (KPI), иқтисодий лаёқат тести.

Abstract: The article describes the concept of "human economic excellence". An algorithm for the calculation of the "multiplier of human economic excellence" is recommended in five stages. "Significant skill indicators" for evaluating a person's economic excellence by using the KPI tool has been produced. On the basis of these assessment indicators, four quality levels were determined: "a person with economic excellence", "a person with economic maturity", "a person with economic potential" and "a person without economic excellence" based on the author's method of evaluating the real economic excellence of 500 employed people in the Bukhara region of the Republic of Uzbekistan.

Key words: economically perfect person, work ability, entrepreneurial ability, economic excellence, economically skilled person, Key Performance Indicators (KPI), economic aptitude test.

Кириш

“Комил инсон” тўғрисидаги тушунча турли даврларда турлича талкин қилиб келинган. Н.Комилов таъбирига кўра “комил инсоннинг ўзига хос ахлоқ кодекси ишлаб чиқилган бўлиб, бу сифатларга эга бўлиш ҳар бир одамнинг орзу-армони деб қаралган. Бундан яна шу ҳам маълум бўладики, ўрта асрлардаги яхши ахлоқ, комил инсон ҳақидаги тушунчалар нисбий хусусиятга эга – бир томондан, жами руҳий-маънавий қудрат, ақлу-заковат, яхши сифатларнинг жамулжами ҳисобланган мавҳум бир зот тушунчаси, иккинчи томондан, шу чўққига интилиб, муайян мартабаларга эришган киши ҳам комил инсон деб ҳисобланган» [1]. Бу ва бошқа талқинлар асосан комил инсоннинг уч ўлчамли: жисмоний, руҳий ва ақлий қиёфасини ифодалаб келган.

Бозор иқтисодиёти шароитида комил инсон тушунчаси жисмонан соғлом, маънавий етук ва интеллектуал таркибий қисмлари билан бир қаторда яна “иқтисодий маҳорат” компоненти [2] ҳисобига кенгайди. Гап шундаки, бугун одам соғлом, одобли ва ақлли бўлиши етарли эмас. У ўзи ва меҳнатга яроқли бўлмаган оила аъзоларининг эҳтиёжларини қондириш ва уй рўзғори сарф харажатларини қоплаш учун етарли бўлган пулларни ишлаб топиш қобилиятига ҳам эга бўлиши даркор. Шунинг учун, иқтисодий жиҳатдан инсонга баҳо беришда унинг иқтисодий маҳоратини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Комил инсоннинг иқтисодий маҳоратини тавсифловчи иккита қобилиятни ажратиш мақсадга мувофиқ:

1. *Инсоннинг меҳнат қобилияти* ишчи кучидан амалда фойдаланиш жараёнида юзага келиб аниқ ва абстракт ҳамда жисмоний ва ақлий меҳнат турларидан иборат. Киши меҳнат натижасида иш ҳақи олиб тирикчилик қилади.

2. *Инсоннинг тадбиркорлик қобилияти* - бу ҳар бир кишининг фаол ва мустақил тадбиркорлик ишида ўзининг ишбилармонлик фазилатларини амалга ошириш шакли бўлиб, ишлаб чиқариш омилларнинг уланишидан самарали фойдаланиш, изчил бошқарув қарорларини қабул қилиш, технологик ва ташкилий-бошқарув янгиликларини ўзлаштириш, таваккалга интилиш ҳамда фойда келтираётган ишни таъминлаш билан боғлиқ инсоннинг иқтисодий қобилиятидир [3].

Бизнес тизимидаги меҳнат ва тадбиркорлик фаолияти жараёнида инсоннинг иқтисодий қобилиятини эришганлик даражаси қуйидаги тўртта босқичда юзага келади: капитал сифатидаги инсон қобилиятини шакллантириш; ишчи кучи сифатидаги меҳнатга лаёқатли инсонни тарбиялаш; тадбиркорлик қобилияти ривожланган тадбиркор инсонни вужудга келтириш; компания менежери мақомидаги ишбилармон инсон даражасига эришиш.

Инсоннинг иқтисодий қобилиятини эришганлик даражасини, меҳнат ва тадбиркорлик қобилиятларининг ривожланганлиги ҳамда иқтисодиётда намоён этишини баҳолаш, бу қобилиятларини миқдор жиҳатдан аниқлаш имконини яратадиган муҳим маҳорат мултипликаторлари (KPI) ни ишлаб чиқиш долзарб вазифа бўлиб ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили

Инсоннинг иқтисодий маҳоратини тавсифловчи фазилатларини аниқлашда Hall-Tonna Modelга мувофиқ ажратилган инструментал қобилиятлар (instrumental skills), шахслараро қўникмалар (interpersonal skills), тасаввур қилиш қўникмалари (imaginative skills) ва тизимли қўникмалар (systemic skills) [4] муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, инсоннинг иқтисодий маҳоратини аниқлашда *психологик ёндашув* эътиборга лойиқдирки, унга кўра тадбиркорлик фаолиятига мойиллик ва психологик тайёриликни белгилловчи шахсий фазилатлар учта қуйидаги гуруҳга ажратилади [5]:

1. “Асаб тизими ва тафаккурнинг хусусиятларини тавсифловчи фазилатлар” гуруҳи.
2. “Мотивацион соҳанинг хусусиятлари” гуруҳи.
3. “Лидерлик феномени” гуруҳи.

Европа комиссияси доирасида тадбиркорлик соҳасида компетентликнинг тузилиши масаласи бўйича (EntreComp - *Entrepreneurship Competence Framework*) олиб борилган илмий тадқиқотларда Европа фуқаролари ва ташкилотларининг тадбиркорлик салоҳиятини

оширишга қаратилган восита сифатида 3 та компетентлик соҳаси (*“ғоялар ва имкониятлар”, “ресурслар”, “ҳаракатлар”*) ва 15 та таянч компетенциялари тавсия этиладики [6], улар инсоннинг иқтисодий маҳоратини тавсифлашда муҳим роль ўйнайди.

Европа Сифат Менежменти Фонди (EFQM) кўмакида Европанинг етакчи компаниялари ҳамкорлигида яратилган *“Business Excellence”* (бизнес маҳорат) модели тадбиркорлик қобилияти имкониятлари (фазилатлар) ва натижалари (жузъий ва якуний) ни ўзаро алоқадорликда баҳолашнинг самарали воситаси бўлиб хизмат қилади. EFQM-2006 моделини қайта кўриш бўйича Европа Сифат Менежменти Фонди эксперт гуруҳи аъзоси Дмитрий Маслов, сифат бўйича Россия Федерацияси Хукумати мукофоти учун конкурс эксперти Александр Шестаков ва Буюк Британиянинг *“D&D Excellence Limited”* компанияси директори Дерек Мидхерстларнинг фикрича: *“Умумий сифат менежменти (TQM) фалсафасининг Европа талқини сифатида EFQM концепцияси ўз навбатида сифатни яхшилаш учун фойдаланишга мўлжалланган амалий восита (модель) ҳам ҳисобланади”* [7]. EFQM *“Business Excellence”* модели инсон иқтисодий маҳоратини баҳолашда методологик асос сифатида хизмат қилиши мумкин.

KPI воситасидан фойдаланган ҳолда инсоннинг иқтисодий маҳоратини баҳолаш механизмини илмий асослашда тадбиркорлик қобилиятинининг қаттиқ (*hard skills*), юмшоқ (*soft skills*) ва рақамли (*digital Skills*) кўникмаларига ажратилган ҳолда ишлаб чиқилган *муҳим маҳорат индикаторлари* (KPI) ёндашуви [8] таянч асос сифатида хизмат қилади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда тизимли таҳлил усулидан фойдаланиб, инсоннинг иқтисодий қомиллигини икки даражали - меҳнат ва тадбиркорлик қобилиятларига ажратилган. Мантиқий таҳлил усулидан фойдаланилган ҳолда инсон иқтисодий маҳоратини баҳолашнинг 7 та асосий ва 40 та куйи мезонларини тавсифловчи муҳим маҳорат индикаторлари (KPI) ишлаб чиқилди. Гуруҳлаш усулини қўллаб, инсон иқтисодий маҳоратининг эришилган ҳолати юқори, меъёрда, ўрта ва паст даражадаги иқтисодий маҳоратга ажратилди. Қиёсий усулдан фойдаланган ҳолда иқтисодий қобилиятни эришилган реал ва эталон даражаларини солиштириш асосида инсоннинг 4 та: *“маҳоратли”, “етук”, “салоҳиятли”* ва *“маҳоратсиз”* сифат мақомотлари тавсия этилган.

Таҳлил ва натижалар

Инсоннинг иқтисодий қомилликка эришганлик даражасини баҳолаш мақсадида биз *“Инсоннинг иқтисодий қомилликка эришганлик мультипликатори”* нинг ҳисоб-китобини қуйидаги бешта босқичда амалга оширишни тавсия этамиз (1-расм):

Биринчи босқич. *Инсоннинг иқтисодий қомилликка эришганлик даражасининг эталон аниқловчисини шакллантириш.* Инсоннинг иқтисодий қомилликка эришганлик даражасининг эталон даражасини аниқловчиси сифатида биз *“иқтисодий маҳорат”* (*economic excellence*) иборасини тавсия этамиз. Бунда, биз *“иқтисодий маҳорат”* деганда инсон томонидан меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини моҳирлик билан амалга оширишга имкон берадиган иқтисодий кўникмалар мажмуи деб, тушунамиз.

Иқтисодий маҳорат инсон томонидан бажариладиган иқтисодий роллар билан боғлиқ. Инсон иқтисодий соҳада ўз қобилият ва салоҳиятини турли иқтисодий ролларни бажариш жараёнида намоён этади.




1-расм. Инсоннинг иқтисодий қомилликка эришганлик даражасини баҳолаш босқичлари¹

“Иқтисодий роль”, - А.П.Вяткиннинг фикрига кўра, - иқтисодий ҳуқ-атворнинг ўлчов бирлиги ҳисобланиб уни “турли иқтисодий тузилмаларда ўзининг истеъмолчилик ва хўжалик талаб-эҳтиёжларини қондириш учун индивид бажаришга мажбур бўлган функциялар, кўрсатма ва йўл-йўриқлар ҳамда феъл-атвор реакциясининг мажмуаси” назарда тутилади [9, 75]. Рус психологи А.Д. Карнышев махсус иқтисодий қобилиятларни иқтисодий роллар билан боғлайди. У инсоннинг олтига қуйидаги иқтисодий ролларини ажратади [9,77; 10]:

1. *Истеъмолчи* (яшаш учун жамиятда яратилган неъматларнинг сўнги истеъмолчиси).
2. *Харидор* (товар ва хизматларни истеъмол қилиш ва фойдаланиш мақсадида сотиб олувчиси).
3. *Ишлаб чиқарувчи* (ўзига ва бошқаларга зарур бўлган неъматларни ишлаб чиқарувчиси).
4. *Тадбиркор* (товар ишлаб чиқариш ва хизматларни кўрсатиш учун ўз маблағларини сарф қиладиган ва тадбиркорлик қобилиятларини рўёбга чиқарадиган шахс).
5. *Сотувчи* (ўзи яратган ва бошқалар томонидан ишлаб чиқарилган товар ва хизматларнинг сотувчиси).
6. *Тўловчи* (давлат ва компетентли идоралар томонидан белгиланган солиқ, бож, коммунал ва бошқа тўловларнинг тўловчиси).

Қайд қилиш жоизки, юқорида санаб ўтилган инсон иқтисодий

¹ Манба: муаллиф ишланмаси.



2-расм. Инсоннинг иқтисодий маҳоратини тавсифловчи фазилатлари¹

роллларининг одамларга хос бўлган яна битта муҳим иқтисодий сайъ-ҳаракат мавжуддирки, уни А.Д. Карнышев ҳисобга ололмасдан қолган. Бу, фикримизча, инсоннинг иқтисодий нафлидир. Бунда, “кишининг иқтисодий нафлидир” деганда биз шахснинг ўз меҳнат ва тадбиркорлик қобилиятини жамият манфаатини кўзлаб рўёбга чиқариши натижасида кўрадиган даромади ҳисобидан эҳтиёжларини қондира олиш хусусиятини назарда тутамиз.

Ушбу фикр-ақидаларга таянган ҳолда биз инсоннинг иқтисодий қомилликка эришганлик даражасининг эталон аниқловчиси сифатидаги “иқтисодий маҳорат” етти та қуйидаги сифатларининг уйғун бирлигида намоён бўлади (2-расм), деган хулосага келдик.

Иккинчи босқич. *Инсоннинг иқтисодий қомилликка эришганлигини баҳолашнинг муҳим маҳорат индикаторлари (KPI) ни ишлаб чиқиш.* KPI (Key Performance Indicators) – “бу мақсадларга эришиш даражасини ёки жараённинг оптималлигини ўлчашга ёрдам берадиган фаолиятнинг, айниқса натижадорлиги ва самарадорлигининг миқдорий кўрсаткичларидир” [11]. Инсоннинг иқтисодий маҳоратини тавсифловчи муҳим маҳорат индикаторлари (KPI) ни ишлаб чиқиш алгоритми, фикримизча, қуйидаги жараёнлардан иборат бўлиши мумкин:

1. Инсоннинг иқтисодий маҳоратини тавсифловчи фазилатларини KPI тизимига лотин ҳарфлари орқали киритиш:

- ❖ KPI(E) - Иқтисодий тарбия кўрганлиги асосий мезони;
- ❖ KPI(K) - Иқтисодий билимдонлиги асосий мезони;
- ❖ KPI(P) - Касбий маҳорати асосий мезони.
- ❖ KPI(L) - Меҳнат қобилиятини самарали рўёбга чиқариши асосий мезони.

¹ Манба: муаллиф ишланмаси.

- ❖ KPI(B) - Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш самарадорлиги асосий мезони.
- ❖ KPI(I) - Даромад ва сарф-харажатларнинг мутаносиблиги асосий мезони.
- ❖ KPI(S) - Сармоядорлик маҳорати асосий мезони.

2. Инсоннинг иқтисодий маҳоратини баҳолашнинг асосий мезонларини тавсифловчи куйи мезонларини KPI тизимида *сонлар* орқали ифодалаш:

- KPI(E) - Иқтисодий тарбия кўрганлиги: KPI (E1). Меҳнатсеварлиги; KPI (E2). Тежамкорлиги; KPI(E3). Ҳисоб-китоб билан яшаши; KPI(E4). Хўжалик ишларини юргизиш маҳорати; KPI(E5). Ўз нафсини жиловлай олиш кўникмаси. KPI(E6). Пулни мажозий тавсифланиши; KPI(E7). Мол-мулкни асраш-авайлаши.

- KPI(K) - Иқтисодий билимдонлиги: KPI(K1). Барча коммунал тўловларининг ҳисоб-китобларини билиши ва вақтида тўлашнинг таъминланиши; KPI(K2). Иш ҳақидан чиқимларни ва соф қўлга оладиган суммасини билиши; KPI(K3). Кундалик истеъмол товари ва хизматлари нарх-наволари тўғрисида тасаввур даражаси; KPI(K4). Оила бюджетини тузиш ва юритиш кўникмаси; KPI(K5). Бозор ва дўконлардан нарса сотиб олишда нарх музокараларини олиб бориш маҳорати ва харидорлик тажрибаси; KPI(K6). Солиқлар ва уларнинг ижтимоий аҳамияти тўғрисидаги билимдонлиги; KPI(K7). Бозор иқтисодиёти шароитида товар ва хизматлар нархларининг тез-тез ўзгариши сабабларини билиши.

- KPI(P) - Касбий маҳорати: KPI(P1). Лавозимдаги мартабаси ва касбий маҳорати юқори; KPI(P2). Лавозимдаги мартабаси ва касбий маҳорати ўртача; KPI(P3). Лавозимдаги мартабаси ва касбий маҳорати паст.

- KPI(L) - Меҳнат қobiliятини самарали рўёбга чиқариши: KPI(L1). Меҳнатдан даромад мавжуд эмас, даромади фақат тадбиркорлик ёки бошқа молиявий манба ҳисобидан; KPI(L2). Ёлланма ёки мустақил меҳнаткаш сифатида оладиган даромади кам, фақат бир ўзининг сарф-харажатларини қоплашга етади; KPI(L3). Ёлланма ёки мустақил ходим сифатида оладиган даромади ўртача, ўз сарф-харажатларини тўлиқ ва оиланикени қисман қоплашга етади; KPI(L4). Ёлланма ёки мустақил ходим сифатида оладиган даромади ёмон эмас, ўзи ва оиласининг сарф-харажатларини меъёрда қоплашга етади; KPI(L5). Ёлланма меҳнат ва мустақил бандликдан келадиган даромади юқори, ўзи ва оиласининг сарф-харажатларини қоплашга тўлиқ етади; KPI(L6). Ёлланма меҳнатдан ҳамда ўзининг мустақил ишидан келадиган даромади юқори, ўзи ва оиласининг сарф-харажатларини қоплашдан ортиб ҳам қолади.

-KPI(B) - Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш самарадорлиги: KPI(B1).Тадбиркорликдан даромад мавжуд эмас, даромади фақат ёлланма меҳнатдан ёки мустақил бандликдан; KPI(B2). Тадбиркорлик даромади меҳнат (ёлланма ва мустақил бандликнинг йиғиндиси)дан келадиган даромадга нисбатан 25% дан кўпроқни ташкил этади; KPI(B3). Тадбиркорлик даромади меҳнатдан оладиган даромадга нисбатан 26% дан 50% гачани ташкил этади; KPI(B4). Тадбиркорлик даромади меҳнатдан оладиган даромадга нисбатан 51% дан 75% гачани ташкил этади; KPI(B5). Тадбиркорлик даромади меҳнатдан оладиган даромадга нисбатан 76% дан 100% гачани ташкил этади; KPI(B6). Тадбиркорлик даромади меҳнатдан оладиган даромадга нисбатан 100% дан кўпроғини ташкил этади.

-KPI(I) - Даромад ва сарф-харажатларнинг мутаносиблиги: KPI(I1). Бир ойлик (йиллик) даромадларининг барчасини истеъмолчилик харажатларига сарфлаб жамғармайди; KPI(I2). Бир ойлик (йиллик) даромадларининг 99% дан 95% гача харажат қилади ва 1% дан 5% ни жамғаради; KPI(I3). Бир ойлик (йиллик) даромадларининг 94% дан 90% гача харажат қилади ва 6% дан 10% ни жамғаради; KPI(I4). Бир ойлик (йиллик) даромадларининг 89% дан 85% гача харажат қилади ва 11% дан 15% ни жамғаради; KPI(I5). . Бойликнинг “80\20” олтин қондасига риоя қилган ҳолда бир ойлик (йиллик) даромадларининг 80% ва ундан камроғини истеъмолчилик харажатларига сарфлаб 20% ва ундан кўпроғини жамғаради.

-KPI(S) - Сармоядорлик маҳорати. : KPI(S1). Жамғармаси мавжуд эмас ёки мавжудларини уйда сақлаб, улардан даромад олмайди; KPI(S2). Жамғармаларини ишлатиб (оборотга киритиб) улардан ойига (йилга) умумий даромадининг 25% гача қўшимча фойда

олади; KPI(S3). Жамғармаларини ишлатиб улардан ойига (йилга) умумий даромадининг 26% дан 50% гача қўшимча фойда олади; KPI(S4). Жамғармаларини ишлатиб улардан ойига (йилга) умумий даромадининг 51% дан 75% гача қўшимча фойда олади; KPI(S5). Жамғармаларини ишлатиб улардан ойига (йилга) умумий даромадининг 76% дан 99% гача қўшимча фойда олади; KPI(S6). Жамғармаларини ишлатиб улардан ойига (йилга) умумий даромадининг 100% ва ундан кўпроқ қўшимча фойда олиб туради.

3. Инсоннинг иқтисодий маҳоратини баҳолашнинг асосий ва қуйи мезонлари асосида одамлар иқтисодий қобилиятларининг ривожланганлик даражасини аниқлаш бўйича *махсус тест* тузиш.

Учинчи босқич. *Инсоннинг иқтисодий комилликка эришганлигини аниқлаш учун KPI нинг сифат ҳолатини баҳолаш шкаласини белгилаш.* Диагностикалаш жараёнида одамларнинг иқтисодий маҳорати KPI бўйича 100 балли тизим билан баҳолаш тавсия этилади. Бунда ҳар бир асосий мезонлар кесимида баллар қуйидагича тақсимланади:

- ✚ Иқтисодий тарбия кўрганлиги учун – 15 балл.
- ✚ Иқтисодий билимдонлиги учун – 15 балл.
- ✚ Касбий маҳорати учун – 14 балл.
- ✚ Меҳнат қобилиятини самарали рўёбга чиқариши учун – 14 балл.
- ✚ Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш самарадорлиги учун – 14 балл.
- ✚ Даромад ва сарф-харажатларнинг мутаносиблиги учун – 14 балл.
- ✚ Сармоядорлик маҳорати учун – 14 балл.

Асосий мезонлар бўйича ажратилган баҳолаш баллари ўз навбатида қуйи мезонлар кесимида, муҳим маҳорат индикаторларининг сони ва уларнинг сифат даражасидан боғлиқ ҳолда пропорционал тақсимлаб чиқилади.

Тўртинчи босқич. *Қиёслаш усулида инсоннинг иқтисодий комилликка эришганлик даражасининг мультипликаторини ҳисоблаш ва кишининг иқтисодий маҳорат мақомини танлаш.* Иқтисодий маҳорати бўйича ўрганилаётган инсон KPI тизимида эксперт усулида тўпланган умумий баллари эталон баҳоси билан қиёслаш эвазига унинг иқтисодий маҳоратининг мультипликатори қуйидаги формула билан ҳисоблаш тавсия этилади:

$$H_{ee} = \frac{KPI(E) + KPI(K) + KPI(P) + KPI(L) + KPI(B) + KPI(I) + KPI(S)}{E_{ee}},$$

Бу ерда:

H_{ee} – инсоннинг иқтисодий комилликка эришганлик мультипликатори (*бу кўрсатки коэффициент ўлчовида 0,0 дан 1,0 оралиқида ўлчанади*);

KPI(E), KPI(K), KPI(P), KPI(L), KPI(B), KPI(I), KPI(S) - инсоннинг иқтисодий маҳоратини баҳолашнинг 7 та асосий мезонларининг қийматлари (*бу мезонлар диагностика натижасида KPIнинг сифат ҳолатини баҳолаш жараёнида аниқланади*);

E_{ee} - инсоннинг иқтисодий комилликка эришганлигининг эталон индикатори (**E_{ee} 7 та асосий ва 40 та қуйи мезонларини тавсифлайдиган муҳим маҳорат индикаторлари (KPI)нинг энг яхши ҳолатини жами 100 баллга тенглаштирилган ҳолда миқдорий ифодаланади**).

Инсоннинг иқтисодий комилликка эришганлик мультипликатори (**H_{ee}**) коэффициенти асосида унинг иқтисодий моҳирлик ҳолати қуйидаги тўрта сифат даражаси ва унга мос равишда тегишли моҳирлик мақомидан бирига мос келиши танлаб олинади:


1) 0,0 дан 0,49 га қадар - паст даражада иқтисодий моҳирлигида қарор топган “*Иқтисодий маҳоратсиз инсон*”.

2) 0,50 дан 0,69 га қадар - ўрта даражада иқтисодий моҳирлигида қарор топган “*Иқтисодий салоҳиятли инсон*”.

3) 0,79 дан 0,85 га қадар - меъёр даражада иқтисодий моҳирликка эришган “*Иқтисодий етук инсон*”;

4) 0,86 дан 1,0 га қадар – юқори даражада иқтисодий моҳирликка эришган “Иқтисодий маҳоратли инсон”.

Бешинчи босқич. *Диагностик баҳолаш натижасида инсоннинг иқтисодий маҳоратини узлуксиз ошириш тўғрисида эксперт тавсияларини бериш.* Инсоннинг иқтисодий моҳирлигининг мультипликатори коэффиценти юзасидан одамларнинг иқтисодий маҳоратини ошириш бўйича “Йўл харитаси” тузилади. Инсоннинг иқтисодий комиллигини диагностикаси натижаларига асосланиб, иқтисодий маҳоратсиз мақомидаги кишиларни иқтисодий салоҳиятли инсонлар мақомига ва ундан иқтисодий етуқлик даражасига, етуқликдан эса иқтисодий маҳоратли инсонлар мақомига кўтариш билан боғлиқ чора-тадбирлари ишлаб чиқилади.



3-расм. Инсоннинг иқтисодий маҳоратини диагностикалаш босқичлари¹

Инсоннинг иқтисодий комилликка эришилганлик мультипликаторини амалда ҳисоб-китоб қилиш мақсадида биз 500 нафар Ўзбекистон Республикаси Бухоро вилояти ҳудудида иш билан банд бўлган кишиларнинг иқтисодий маҳоратини диагностикадан ўтказдик Бунда, диагностик ўрганиш 4 та босқичда амалга оширилди (3-расм).

Инсоннинг иқтисодий маҳоратини диагностикалаш мақсадида биз “иқтисодий лаёқат тести”ни ишлаб чиқиб, унинг воситасида респондентларининг иқтисодий маҳоратини эксперт усулида (100 баллик тизим бўйича) сўроқ ўтказиш йўли билан ҳисоб-китоб қилиб чиқдик (4-жадвал).

1-жадвал.

500 та респондентларнинг иқтисодий комилликка эришганлик даражасини баҳолаш натижалари²

Т/р	Инсоннинг иқтисодий комилликка эришганлик даражасининг мультипликатори (Нее) қиймати	Инсоннинг иқтисодий комилликка эришганлик даражаси	Инсоннинг иқтисодий маҳорат мақоми	Респондентлар сони	Уларнинг улуши, %
1	0,0 дан 0,49 га қадар	Паст	“Иқтисодий маҳоратсиз инсон ”	65	13,0

¹Манба: муаллиф ишланмаси.

² Манба: муаллиф томонидан “Иқтисодий лаёқат тести” бўйича сўроқ ўтказиш асосида тузилган.

2	0,50 дан 0,69 га кадар	Ўрта	“Иқтисодий салоҳиятли инсон”	372	74,4
3	0,70 дан 0,85 га кадар	Меъёрда	“Иқтисодий етук инсон”	53	11,6
4	0,86 дан 1,0 га кадар	Юқори	“Иқтисодий маҳоратли инсон”	5	1,0
Жами:				100	100%

Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики, иқтисодий қобилиятларининг ривожланганлик даражаси ўрганилган меҳнат ва тадбиркорликга лаёқатли кишилар ўртасида қобилияти *ривожланмаган* даражадагилар 3 нафарни (1,2%); суств даражада ривожланганлар 32 нафарни (12,8 %) ; иқтисодий қобилиятининг *ўрта* даражадагилар 102 нафарни (40,8%); қобилияти *меъёр* даражадагилар 85 нафарни (34,0 % , қобилияти етуклик даражадагилар 26 нафарни (10,4%) ташкил этган ва 2 нафари (0,8%) эса 86 баллдан кўпроқ балларни йиғиб, комиллик даражадаги инсон тоифасига кирган.

Хулоса ва таклифлар

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулосаларга келдик:

1.Бозор иқтисодиёти шароитида комил инсоннинг анъанавий уч ўлчамли сифатлари билан бир қаторда унинг иқтисодий жиҳатини тавсифловчи тўртинчи ўлчов мезони сифатида “*иқтисодий маҳорати*”ни инобатга олиш ва баҳолашни тавсия этамиз.

2.“Инсоннинг иқтисодий маҳорати” деганда инсон томонидан меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини моҳирлик билан амалга оширишга имкон берадиган иқтисодий кўникмалар мажмуи деб, тушунилади.

3.“Инсоннинг иқтисодий маҳорати мультипликатори” нинг ҳисоб-китоби иқтисодий маҳоратнинг эталон аниқловчисини шакллантириш; муҳим маҳорат индикаторлари (KPI) ни ишлаб чиқиш; баҳолаш шкаласини белгилаш; қиёслаш усулида мультипликаторни ҳисоблаш ва кишининг иқтисодий моҳирлик мақомини танлаш; диагностик баҳолаш натижасида иқтисодий маҳоратини узлуксиз ошириш тўғрисида эксперт тавсияларини бериш каби босқичларда амалга оширилади.

4. Инсон иқтисодий маҳоратининг асосий мезонларини лотин ҳарфлари орқали ва қуйи мезонларини сонлар орқали KPI тизимида ифодалаш йўли билан одамларнинг меҳнат ва тадбиркорлик қобилиятини баҳолаш имконини берадиган “*муҳим маҳорат индикаторлари*” (KPI) ишлаб чиқилади.

5. 7 та асосий мезонлар негизида ишлаб чиқилган 40 та муҳим маҳорат индикаторлари (KPI) воситасида инсон иқтисодий маҳоратининг реал эришилган даражасини “*юқори*”, “*меъёрда*”, “*ўрта*” ва “*паст*” сатҳларини аниқлаш ва иш билан банд бўлган одамларнинг “*маҳоратли*”, “*етук*”, “*салоҳиятли*” ва маҳоратсиз” сифат мақомини белгилаш имкониятини вужудга келтиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Т.: Ёзувчи, 1996. – Б. 153.
2. Навруз-Зода Б.Н. Тўрт ўлчовли инсон қиёфаси. Psixologiya ilmiy jurnal, 4-сон, 2011-yil. – Б. 8-12.
- 3.Навруз-Зода Б.Н. Иқтисодий қобилиятларнинг ўлчов мезонлари. Psixologiya ilmiy jurnal, 3-сон, 2014- yil. – Б. 1-6
4. Hall, B. P. (1994). *Values Shift: A Guide to Personal & Organizational Transformation*. California: Twin Lights Publishing.288 p.
5. Фотекова Т. А., Митрухина С. В., Власова Е. Н. И др. Исследование профессиональных склонностей к предпринимательской деятельности у молодежи Республики Хакасия. Журнал Психология. Серия: Познание №11 ноябрь 2020. – С. 107-113.
6. Bacigalupo, M., Kampylis, P., Punie, Y., Van den Brande, G. (2016). *EntreComp: The Entrepreneur-ship Competence Framework*. Luxembourg: Publication Office of the European Union; EUR 27939 EN; 39 p doi:10.2791/593884. <https://ec.europa.eu/jrc/entrecomp>.

7. Маслов Д., Шестаков А., Мидхерст Д. Полезная модель EFQM: профилактика системы управления \ Электронный ресурс. https://quality.eup.ru/MATERIALY14/model_efqm.htm (дата обращения: 05.01.2022 г.).

8. Навруз-зода Л.Б. Бизнес субъектларининг тадбиркорлик қобилиятини “KPI” воситасида баҳолаш механизми // “Иқтисодий ва инновацион технологиялар” (Economics and Innovative Technologies) илмий электрон журналі. –Т., 2022. - № 3, - Б. 203-214.

9. Вяткин А.П. Экономические способности: понятие, сущность, структура. Известия Иркутской государственной экономической академии (ИГЭА), 2003, № 3-4 (36-37). 75-81. Электронный ресурс. <http://cyberleninka.ru/article/n/ekonomicheskie-sposobnosti-ponyatie-suschnost-struktura> (28.02.2014 г.).

10. Карнышев А.Д., Винокуров М. А. Этнокультурные традиции и инновации в экономической психологии. - М.: Изд-во "Институт психологии РАН", 2010. - 480 с.

11. Вишнякова М. В. Мифы и правда о KPI / Худож. А. Васильева. — М.: Летопись, 2017. - 274 с.

12. Навруз-Зода Б.Н., Шомиев Г.У. Исторические предпосылки развития теории человеческого капитала. - Academy, 11 (14). - 2016. - С.19-21.

УДК рақами: 336.774
JEL Classification: H52, H75

Азиз Зикриёев

“Жаҳон иқтисодиёти” кафедраси катта ўқитувчиси, PhD. ТДИУ

E-mail: a.zikriyoev@tsue.uz, Tel: + 998 90 319 16 14

ORCID 0000-0002-4320-6549

ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ГЛОБАЛ ХАВФСИЗЛИК (UL) ИНДЕКС РЕЙТИНГИГА ТАЪСИРИ (ХМТнинг 167-сонли “Қурилишда соғлиқ ва хавфсизлик” конвенциясининг ратификацияси мисолида)

Аннотация

Қириш. Ҳозирда жаҳон миқёсида касбий соғлиқ ва хавфсизликни (КСХТ) бошқарув тизимининг халқаро интеграциялашувини тубдан такомиллаштириш мақсадида ўтиш даври иқтисодиёти ва ривожланаётган мамлакатлар қурилиш саноатида хавфсиз иш муҳити ва маданиятини шакллантириш асосий вазифалардан ҳисобланади.

Тадқиқот усули. Тўпланган рақамли маълумотлар асосида оддий тўғри чизиқли регрессия тенгласидан, шунингдек, уни категорияли маълумотга айлантирган шаклини Ologit ҳамда GSEM кўп омилли эконометрик моделлари бўйича таҳлил қилинди. Натижалар STATA 16.0 дастури воситасида ҳисоблаб чиқилган.

Натижалар ва муҳокама. Қурилиш саноати ишчи-ҳодимларининг турли хил касалликларга чалиниши ва бахтсиз ҳодисаларга учрашининг олдини олиш, юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни олдиндан аниқлашда ХМТнинг 167-сонли конвенциясини амалиётга тадбиқ этиш билан UL индекс ўртасида муайян боғлиқлик мавжуд. Жумладан, кўп омилли оддий тўғри чизиқли регрессия тенгласи (OLS), Ologit ва GSEM моделларидан фойдаланилди. F-тест, T-тест ва Chi2 тестларига мувофиқ қатор гипотезалар текширилди. Статистик жиҳатдан аҳамиятли барқарор (Robust) бўлган қийматлар алоҳида белгиланди. Шунингдек, автокорреляция, мультиколлениарлик ва гетероскедастиклик текширувлари амалга оширилди.

Хулоса. Ривожланган мамлакатлар қурилиш саноатида қулай меҳнат шароитларини жорий этиш, иш жойларида рисклар бошқарувининг замонавий усуллари ва инсон омилининг юқори қадр-қимматини таъминлашга оид илм-фан тараққиётини амалиётга кенг тарғиб этмоқда. Шу жиҳатдан тузилган 2 та кўп омилли эконометрик (OLS ва